

## Охиратни ўйлаб ўтирибман



14:11 / 23 декабрь 870

Юсуф ибн Асбот айтади: «Масжидда эдим. Суфён Саврий менга: «Эй Юсуф, таҳорат қилишга тоза сув олиб келгин», дедилар. Сувни мендан ўнг қўл билан олиб, чап қўлларини юзларига қўйиб, ўйга толиб қолдилар. Шу орада ухлаб қолибман. Турсам, тонг отиб қолибди. Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳга қарасам, қўллараридаги сув ўша ҳолича турибди. Шунда у зотга: «Эй Абу Абдуллоҳ, тонг отди», дедим. У зот: «Менга сувни олиб келганингдан бери охиратни ўйлаб ўтирибман», дедилар».

### **Шундан бошқа нарсам йўқ**

Ҳажжождан ривоят қилинади: «Шўъба эшагини миниб кетаётган эди, Сулаймон ибн Муғирани учратиб қолди. У Шўъбага (муҳтожлигидан) шикоят қилди. Шўъба эса: «Аллоҳга қасамки, шу эшакдан бошқа нарсам йўқ», деди. Кейин эшакдан тушиб, уни Сулаймонга бериб юборди».

### **Онага эҳтиром**

Ашжаий айтади: «Бир куни кечаси Мисъар ибн Кидомнинг онаси сув сўради. Лекин Мисъар идишда сув олиб келгунича онаси ухлаб қолибди. У тонггача идишни қўлида кўтариб турди».

**Аҳмад Муҳаммад Турсун раҳимаҳуллоҳ**

**«Ҳилол» журнали 5 (62) сон**

